

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ТЕСТОЛОГИЯ АСОСЛАРИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчи: Ф.Эркабоева

Фарғона – 2014

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР	3
ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА.....	10
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	11
МАЪРУЗА МАТНИ	30
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	42
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ	47
МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ.....	48
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	49
ГЛОССАРИЙ	50
ДИДАКТИК ВА ТАРҶАТМА МАТЕРИАЛЛАР.....	53
АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ	60

ИШЧИ ДАСТУР

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Тестология асослари” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини тест топшириқлари мазмуни ва шаклига қўйиладиган умумий ва асосий талаблар, тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари, тестларнинг турлари ва кўрсаткич нормалари, тестларнинг стандарт меъёrlари, фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари билан таништириш.

“Тестология асослари” модулининг вазифалари:

- Тест топшириқларининг шакллари, мазмуни, тест тузишнинг назарий асослари уни таълим-тарбия жараёнида қўллашнинг афзаликлари тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш;
- тингловчиларда тестларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил фикрни вужудга келтиришга эришиш;
- таълим-тарбиянинг самарадорлигини оширишда тест синовларининг аҳамиятини ўргатиш;
- тингловчиларда тест топшириқларини ДТМ талабларига мувофиқ тузиш ва амалда қўллаш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларини шакллантириш.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Тестология аослари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- тестларнинг турлари ва улардан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш йўлларини билиши керак;
- Тестлардан масофавий таълим тизимида фойдаланиш малакаларини эгаллаши лозим.
- ДТМ талабларига мувофиқ равища тест топшириқлари тузиш кўникмаларига эга бўлиши зарур.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги биринчи блок, иккинчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, шунингдек, математика ва табиий-илмий фанлар бўйича тест тузиш тартиби педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар тест топшириклари мазмуни ва шаклига қўйиладиган умумий ва асосий талабларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустакили таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				Мустакили таълим	
			Жами	Назар	Амалий машрут	Кўчма машрут		
1.	Тестология асослари фанининг предмети, мақсад ва вазифалари	2		2		-	-	
2.	Тест топширикларининг турлари ва уларни тузиш методикаси	2			2	-	-	
3.	ДТМ томонидан тест топширикларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни ўрганиш. Тестлар тўпламини шакллантириш, тест ўтказиш ва натижаларининг таҳлили	2			2	-	-	
	Жами:	6	6	2	4	-	-	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Тестология асослари фанининг предмети, мақсад ва вазифалари. (2 соат)

Режа:

1. Тестология асослари бўйича умумий тасаввур.
2. Тестология фанининг асосий тушунча ва тамойиллари.
3. Тестология фанининг ривожланиш босқичлари, унинг фаолият соҳалари.

Тестология тушунчаси. Тестологиянинг тавсифи. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Касбий таълим йўналишлари тингловчиларни илғор педагогик технология ва уни ўкув жараёнига жорий этиш бўйича тизимли ахборотлар билан қуроллантириш мақсадида яратилган. Тестшунослик асослари мазмунини ёритишда унинг одатдаги ўқитиш усулларидан фарқ қилувчи жиҳатлари, Ўзбекистон таълим тизимига уни жорий этишнинг аҳамияти, тест топшириқлари шакллари, уларни тузиш ҳамда педагогик технологиянинг тамойиллари ва қоидалари, ўқув материалини тўла ўзлаштириш ғоясини вужудга келиши ва унинг амалга ошириш усуллари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Тест топшириқларининг турлари ва уларни тузиш методикаси (2 соат)

Режа:

1. Тест тузиш қоидалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари.
2. Тестларнинг мазмуни ва кўрсаткич нормалари.
3. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмуни ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. Ёш нормалари. Гурухий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари.

Тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талаблар. Тест саволлари мукаммал бўлиши учун, уларни тузишда бир қанча талабларга риоя қилиш

зарур. Булар қўйидагилардан иборат: тест топшириқлари мазмунининг ўқув мақсадига мувофиқлиги; материал аҳамиятлилиги; илмий аниқлик; изчиллик; тўқислик ва уйғунлик; ўзлаштириш даражасига қўра табақалашганлиги; самарадорлик (кумулятивлик); тил равонлиги ва аниқлиги; бир маънолилик; вақтнинг қатъий белгиланиши; ихчамлик; мураккаблик меъёри; тўғри жавобда қўшимча белгиларининг мавжуд эмаслиги; вариативлик; шаклан ва мазмунан ўзаро боғлиқлик. Ижтимоий-гуманитар ва аник-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби.

2-мавзу. ДТМ томонидан тест топшириқларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни ўрганиш. Тестлар тўпламини шакллантириш, тест ўтказиш ва натижаларининг таҳлили (2 соат)

Режа:

1. ДТМ томонидан тест топшириқлари мазмуни ва шаклига қўйиладиган умумий ва асосий талаблар.
2. Тестлар тўпламини шакллантириш.
3. Тест ўтказишга тайёргарлик, тест натижаларининг таҳлили ва уларни экспертизадан ўтказиш.
4. Ўзбекистон таълим тизимида тест синовларининг тутган ўрни.

Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари. Тестлар тўпламини шакллантириш Тест ўтказишга тайёргарлик, тест натижаларининг таҳлили ва уларни экспертизадан ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида Тестология фанининг ўрни. Биринчидан, 20 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси ОЎЮГа тест синовлари орқали қабул амалга оширилаяпти; иккинчидан кўпгина ОЎЮнинг баъзи йўналишларида жорий, оралиқ, якуний назоратлар тест топшириқлари билан ўтказилиш йўлга қўйилмоқда. Бу ва бошқа ҳолатлар ОЎЮ профессор – ўқитувчилари ҳамда ходимларининг тест топшириқлари, Тестология фани бўйича чуқурроқ билимга эга бўлишини талаб қиласди. Тестология бўйича билимларнинг такомиллаштирилиши ОЎЮда инновация ютуқларини қўллаш ва таълим тизимини модернизациялаш жараёнида ўзининг ифодасини топади. Масофавий таълим тизимида тестлардан фойдаланиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т.: 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т.: 1997.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

1. "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. "Халқ сўзи", 2012 йил 28 май.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий хужжатлари

1. Автомотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасалари ўқувчиларининг билимини баҳолаш учун тест саволларини тузиш ва тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом (АВ томонидан 30.09.2011 й. 2271-сон билан рўйхатга олинган 29.07.2011 й. Ички ишлар вазирлигининг 7-сон, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 316-сон, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 89-01-2090-сон қарори билан тасдиқланган).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқаруви академияси магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (АВ томонидан 01.08.2012 й. 2384-сон билан рўйхатга олинган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 30.07.2012 й. 01-172-сон буйруги билан тасдиқланган).

3. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига тингловчиларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (АВ томонидан 08.07.2011 й. 2242-сон билан рўйхатга олинган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази директорининг 06.07.2011 й. 01-222/1-сон буйруги билан тасдиқланган).

4. 1998/99 ўқув йилида ЎзР Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида. ЎзР ВМ 25.05.1998 й. 228-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тест маркази ташкил этиш тўғрисида” ги 258-сонли қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 293-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сонли “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги қарори;

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 мартағи “Давлат тест маркази таркибида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестатсияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 109-сонли қарори;

9. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг 2004-2005 ўқув йили бўйича рейтинг натижалари., ЎзР ВМ ҳузуридаги Давлат тест маркази, Тошкент, 2005 й.

IV.Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
3. Каримов.И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - 438 бет.

V. Дарслклар ва ўқув кўлланмалар

1. Аванесов В.С. Композиция тестовых заданий. Москва, 2002.
2. Временные государственные требования к минимуму содержания профессиональной образовательной программы и уровню подготовки лиц при получении дополнительной квалификации "Тестолог (специалист в области педагогических измерений)". Министерство образования Российской Федерации. Москва, 2000. 14 стр.
3. Ковалева Г.С. Национальный фонд подготовки кадров, Программа развития и совершенствования государственных образовательных стандартов и тестирования (Первый этап). Итоговый отчет. Зарубежный опыт построения и актуальные проблемы развития образовательного тестирования. Москва, 2001. 26 стр.

4. Крисилов В.А. Опыт прведения рейтингов украинских и российских вузов /Крисилов В.А., М.Л. Слуцкая // Ранжирование высших учебных заведений: состояние, тенденции, проблемы. Коллективная монография / Под. Ред. В.Н. Бержанского. – Симферополь: ДИАЙПИ, 2007. - С.29-41.
5. Михайлычев Е.А., Норов Ш.К. Дидактические тесты в системе много этапного контроля знаний студентов Бухара. Бух.ТИПЛП. 1995.-36 с.
6. Тестология бўйича русча-ўзбекча, ўзбекча-русча изоҳли терминологик луғат-минимум/ Техника фанлари доктори Б.М.Исмаиловнинг умумий таҳрири остида. Тошкент: Давлат тест маркази, 2005. Рус ва ўзб. тил. – 136 бет.
7. Фарберман Б.Л., Асомов Д.К. Педагогик тестлар ва тингловчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг усули. -Т.: РЎУИ, 1995. - 102 б.

VII. Интернет сай tlari

1. <http://www.gov.uz>
2. <http://www.lugat.uz>
3. <http://www.ziyonet.uz>
4. <http://www.edu.uz>
5. <http://www.dtm.uz>

ТАҚВИМ МАВЗУЙ РЕЖА

№	Мавзулар	Машғулот тури	Соати	Ўтказилиш муддати
1.	Тестология асослари фанининг предмети, мақсад ва вазифалари	маъруза	2	Хар ойнинг учинчи ҳафтаси
2.	Тест топшириқларининг турлари ва уларни тузиш методикаси	амалий	2	Хар ойнинг учинчи ҳафтаси
3.	ДТМ томонидан тест топшириқларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни ўрганиш. Тестлар тўпламини шакллантириш, тест ўтказиш ва натижаларининг таҳлили.	амалий	2	Хар ойнинг тўртинчи ҳафтаси

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Маъруза машғулотини ташкил этишнинг шакл ва хусусиятлари:

№	Маъруза шакллари	Ўзига хос тавсифловчи хусусиятлари
1.	Кириш маърузаси	Фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради. Педагогик вазифаси: тингловчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан танишириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари билан танишириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-услубий адабиётлар таҳлилини бериш, хисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шаклларини белгилаш.
2.	Маъруза ахборот	Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси: ўқув маълумотларини баён қилиш ва тушунтириш.
3.	Шарҳловчи маъруза	Баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади. Педагогик вазифаси: илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш.
4.	Муаммоли маъруза	Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали берилади. Бунда тингловчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, хозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш.
5.	Визуал маъруза	Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намойиш этиш ҳамда уларга аник ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишининг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш.
6.	Бинар (икки кишилик) маъруза	Бу маъруза икки ўқитувчининг ёки иккита илмий мактаб намоёндасининг, ўқитувчи-tinglovchining диалогидан иборат. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларининг мазмунини ёритиши.
7.	Аввалдан режалаштирилган хатоли маъруза	Хатоларни излашга мўлжалланган мазмуни ва услубиятида, маъруза охирида тингловчилар ташхиси ўтказилади ва қилинган хатолар текширилади. Педагогик вазифаси: янги материаллар мазмунини ёритиши, берилган маълумотни доимий назорат қилиш.
8.	Маъруза конференция	Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишига қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва тингловчиларнинг маърузаларга якун ясаб, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қилади. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиши.
9.	Маслаҳат маъруза	Турли сценарийлар ёрдамида ўтиши мумкин. Масалан, 1) «Савол-жавоб» - маърузачи томонидан бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб берилади. 2) «Савол-жавоб-дискуссия» - изланишга имкон беради. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган.

1-мавзуу**Тестология асослари фанининг предмети, мақсад ва вазифалари**

(маъруза – 2 соат)

1.1. Маъруза машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: 15-30 та
<i>Машғулот тури</i>	Ахборот визуал маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> Тестология асослари бўйича умумий тасаввур. Тестология фанининг асосий тушунча ва тамойиллари. Тестология фанининг ривожланиш босқичлари, унинг фаолият соҳалари.

Ўқув машғулотининг мақсади: Ўқув модули хақида умумий тушунча бериш. Тестология фанининг предмети, мақсад ва вазифалари, Тестология фанининг асосий тушунча ва тамойиллари, Тестология фанининг ривожланиш босқичлари, унинг фаолият соҳалари ҳақида тушунча беришдан иборат.

Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> предметнинг вазифалари ва функциялари, ўқув фанлари тизимидағи ўрни ва роли билан таништириш; ўқув предмети таркибини шарҳлаш ва тавсия этиладиган ўқув-услубий адабиётлар рўйхатини бериш; Тестология фанининг предмети, мақсад ва вазифаларини очиб бериш; Тестология фанининг асосий тушунча ва тамойилларини айтиб бериш; Тестология фанининг ривожланиш босқичлари, унинг фаолият соҳалари ёритиб бериш; тест топшириқларининг шакллари нинг ишлаб чиқилиши, асосий принципларини ёритиб бериш; 	<ul style="list-style-type: none"> предметнинг вазифалари ва функциялари, ўқув фанлари тизимидағи ўрни ва ролини ифодалайди; ўқув предмети фаннинг тузилмасини ва таркибини шарҳлайди, адабиётлар рўйхати билан танишади; Тестология фанининг предмети, мақсад ва вазифаларини ўрганади; Тестология фанининг асосий тушунча ва тамойилларини ёзиб олади; Тестология фанининг ривожланиш босқичлари, унинг фаолият соҳалари билан танишади;; тест топшириқларининг шакллари нинг ишлаб чиқилиши, асосий принципларини билан танишади;
Ўқитиши усуллари	Визуал маъруза, ақлий ҳужум, Б/Б/Б техникаси, кластер
Ўқитиши шакллари	Жамоа билан ишлаш
Ўқитиши воситалари	Маърузалар матни, тарқатма материаллар, слайдлар
Ўқитиши шартлари	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гурухлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол ва жавоблар

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1-босқич. Тайёргарлик босқичи	<p>1.1. Мавзуу бўйича машғулот мазмунини тайёрлайди.</p> <p>1.2. Ахборот визуал маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлайди. (1-илова)</p> <p>1.3. Ўқув модулини ўргатишида фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлайди.</p>	
2-босқич. Кириш (10 дақиқа)	<p>2.1. Ўқув модулининг номини эълон қиласди. Фан бўйича умумий тасаввур келтиради. Ишнинг методологик ва ташкилий хусусиятларини ёритиб беради.</p> <p>2.2. Мавзулар рўйхатини келтиради ва уларга қисқача тавсиф беради. Асосий адабиётлар рўйхатини беради ва шарҳлайди.</p> <p>2.3. Машғулот мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>2.4. Тингловчиларни ақлий хужумга тортиш учун шу мавзуу бўйича жонлантирувчи саволлар беради. (2-илова)</p>	<p>2.1. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>2.2. Тинглайдилар.</p> <p>2.3. Ёзиб одадилар.</p> <p>2.4. Саволларга жавоб берадилар.</p>
3-босқич. Асосий қисм (65 дақиқа)	<p>3.1. Маъруза режасининг барча саволлари бўйича визуал материал тайёрлашни намойиш қиласди.</p> <p>3.2. Мавзунинг таянч иборалари, асосий жойларини ёзиб олишларини сўрайди.</p> <p>3.3. Тестология асослари бўйича умумий тасаввур. Тестология фанининг асосий тушунча ва тамоиллари бўйича тингловчилар билан сұхбат уюштиради.</p> <p>3.4. Тингловчилар жавобини шарҳлайди, хуносаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p> <p>3.5. Тингловчиларга Б/Б усули бўйича ифодаланган жадвални намойиш қиласди ва устунларни тўлдиришни айтади (3-илова).</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, ўрганадилар, ёзадилар, аниқлайдилар, саволлар берадилар.</p> <p>3.2. Ҳар бир таянч тушунча мухокама киладилар. Ёзадилар.</p> <p>3.3. Фикрларини баён қиласдилар.</p> <p>3.4. Мухокамада иштирок этадилар.</p> <p>3.5. Жадвални тўлдирадилар.</p>
4 босқич. Якун ясаш (5 дақиқа)	<p>4.1. Тингловчилар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Олинган ахборотларни умумлаштиради ва шарҳлайди. Саволларга жавоб беради, мухим қўшимча ахборотни беради.</p> <p>4.2. Мавзуга якун ясади. Мустақил иш учун вазифалар беради: “Тестология” сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди. (4-илова).</p>	<p>4.1. Тинглайдилар. Савол берадилар.</p> <p>4.2. Топшириқни ёзиб оладилар.</p>

Визуал материаллар

1-слайд

Тест – барча синалувчилар учун бир хил шароитда ўтказиладиган ва ечимини миқдорий тавсиф қилиш мумкин бўлган топшириқлар кўринишига эга бўлган ҳамда айни пайтда муайян синалувчининг ривожланиш даражаси кўрсаткичи бўлиб хизмат қиласидиган синов.

2-слайд

- **Тестология** – (инглизча сўздан олинган бўлиб, *test* – синов), юононча *logos* – билим) сўзлари бирикмасидан иборат.
- **Тестология** фанлараро фан бўлиб, илмий асосланган ва сифатли диагностик ўлчов методикаси ҳақидаги фан саналади.



Замонавий тестология етук амалий фан бўлиб, ўзида тест топшириқларини яратишнинг асосий тушунчалари ва терминларини, тамойилларини, шаклларини (тузилишини), мазмунига, қийинлигига қўйиладиган талабларни, тест топшириқларини баҳолаш шкааларини, яъни тест топшириқлари банкини яратиш бўйича фаолиятни белгиловчи меъёрларни ўзида жамлайди.

Таълим соҳасидаги тест синови - бу тестдан ўтувчиларнинг маълум ўқув фанлари ёки таълим дастурлари бўйича тайёргарлиги даражасини холис баҳолаш усулидир. Тест топшириқларини бажариш интеллектуал фаолият бўлиб, у чегараланган вақтда ва назорат қилинадиган шароитларда амалга оширилади. Тест синовлари натижаларининг холислиги, биринчи навбатда, тест топшириқларининг сифатига боғлик, шунинг учун топшириқларни ишлаб чиқишида замонавий тестология фани назарияси ва амалиётига асосланган талабларни инобатга олиш зарур.

АҚЛИЙ ҲУЖУМ – бевосита жамоа бўлиб “фикрлар ҳужуми”ни олиб бориш бўлиб, услубнинг асосий тамойили – эркин мулоқот-мунозара жараёнида берилган мавзу асосида янги новаторлик ғоя, фикрлар тўпланади; ғоя-фикрларнинг сифатига эмас, уларнинг қанчалик кўплигига эътибор қаратилади.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг, хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, маҳсус белги қўйинг.
3. Гояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гурух ғояси сифатида шакллантирилади.
5. Барча ёзилган ғояларни гурух муаммосини ечиш учун гурухлаштириш мумкин.
6. Гурухнинг умумий жавоби шакллантирилади.

Саволлар:

1. “Тест” сўзи қайси тилдан олинган ва маъноси нима?
2. Тестология фанининг предмети, мақсад ва вазифаларини очиб беринг;
3. Тестология фанининг асосий тушунча ва тамойилларини айтиб беринг;
4. Тест синовлари эволюцияси нима?
5. тест топшириқларининг шакллари ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?

Б/Б техникасини қўллаш бўйича кўрсатма.


1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдиринг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдиринг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдиринг.
4. Маърузани тингланг ва визуал материаллар билан танишинг.
5. 5-устунни тўлтиринг.

Б/Б/Б жадвали (Биламан/Билишни хохлайман/Билдим)

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хохлайман	Билдим
1.	Тест” сўзи қайси тилдан олинган ва маъноси нима?			
2.	Тестология фанининг предмети, мақсад ва вазифаларини очиб беринг;			
3.	Тестология фанининг асосий тушунча ва тамойилларини айтиб беринг;			
4.	Тест синовлари эволюцияси нима?			
5.	Тест топшириқларининг шакллари ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?			

4-илова

**1-маъруза машғулоти бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун вазифа
(Кластер услуги).**



2-мавзу**Тест топшириқларининг турлари ва уларни тузиш методикаси**

(амалий машғулот – 2 соат)


2.1. Амалий машғулотнинг таълим технологияси модели

Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: 18-40 та
Машғулот тури	“Нима учун?”, «Кооп-кооп» техникасидан фойдаланган холда, мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлашга ва чуқурлаштиришга қаратилган амалий машғулот.
Амалий машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тест тузиш қоидалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. 2. Тестларнинг мазмуни ва кўрсаткич нормалари. 3. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари.
Ўқув машғулотининг мақсади: Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштиришни таъминлаш.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> • Тест тузиш методикасини ишлаб чиқилиши ва асосий йўналишлари билан танишириш; • Тестларнинг стандарт меъёрлари очиб беради; • Тестлар тўпламини шакллантиришга хос хусусиятларни баён қилиш; • Тестларнинг мазмуни ва кўрсаткич нормалари ҳақида маълумот бериш; • Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари.аҳамиятини баён қилиш. 	<ul style="list-style-type: none"> • Тест тузиш методикасини ишлаб чиқилиши ва асосий йўналишлари билан танишишиади; • Тестларнинг стандарт меъёрлари ўрганади; • Тестлар тўпламини шакллантиришга хос хусусиятларни билиб олади; • Тестларнинг мазмуни ва кўрсаткич нормалари ҳақида тушинчага эга бўлади; • Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари.аҳамиятини англаб олади.
Ўқитиши усуллари	Нима учун?, «Кооп-кооп» («Биргалиқда ўқиймиз») техникасидан фойдаланиш усули, инсерт
Ўқитиши шакллари	Индивидуал, гурухларга бўлинниб ишлаш
Ўқитиши воситалари	Схема, слайдлар, доска, қофоз қалам.
Ўқитиши шартлари	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гурухлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1-босқич. Кириш (10 дақиқа)	<p>1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсад ва ўқув фаолияти натижаларини айтади: Таълим жараёни интерфаол усуллар орқали амалга оширилишини эълон қиласди.</p> <p>1.2. Тингловчиларни жонлантириш мақсадида «Нима учун?» техникасидан фойдаланилган ҳолда: «Нима учун хозирги кунда тест методи кенг тарқалмоқда?» деб савол билан мурожаат қиласди (<i>1-илова</i>). Фикрларни умумлаштириб, амалий машғулотни бошлайди.</p> <p>1.3. Тингловчиларни З та кичик гурухларга бўлади, баҳолаш кўрсаткичи ва мезонлари билан таништиради..</p>	<p>1.1. Тинглайдилар</p> <p>1.2. Органайзерни тўлдирадилар. Эркин ўз фикрини билдирадилар.</p> <p>1.3. Интерфаол усуллардан фойдаланилган ҳолда кичик гурухларга бўлинади</p>
2-босқич. Асосий қисм (65 дақиқа)	<p>2.1. Гурухларга топшириқ беради: 10 минут ичida ҳар бир гурух умуммутахассислик фанлари бўйича тест тузинг.</p> <p>2.2. Тест тузиш қоидалари, кўрсаткич нормалари ҳақида маълумот беради, изоҳ беради, билимларини умумлаштиради, алоҳида эътибор қаратади. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини дикқат билан текширади.</p> <p>2.3. Гурухларга «Кооп-кооп» техникасидан фойдаланиш (<i>2-илова</i>).</p> <p>2.4. Иш бошланганинги эълон қиласди, ҳар бир гурух тест топшириқларини тузиб ватманқоғозларга тушириб, тест синовларини ўтказишида ёрдам беради.</p> <p>2.5. Тест синовларини ташкил қиласди, изоҳ беради, тестларни тузилишига тингловчиларнинг эътиборини қаратади.</p>	<p>2.1. Тестни мустақил, биргаликда ватманқоғозларга тузиб ёзадилар.</p> <p>2.2. Топшириқни бажарадилар, баҳолайдилар, хулоса чиқарадилар.</p> <p>2.3. Мустақил топшириқни бажарадилар.</p> <p>2.4. Топшириқни бажарадилар.</p> <p>2.5. Тест синовларини ўтказадилар. Жамоа бўлиб муҳокама қиладилар, баҳолайдилар.</p>
3 босқич. Якун ясаш (5 дақиқа)	<p>3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол тингловчиларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқлар беради: Инсерт усули бўйича мавзунинг мазмунини чуқур ўрганиш, кейинги машғулотга тайёргарлик кўриш. <i>З-илова</i></p>	<p>3.1. Эшитади. Аниқлайди.</p> <p>3.2. Тинглайди. Аниқлайди.</p>

«Нима учун» органайзери



«Кооп-кооп» («Биргаликда ўқиймиз») техникасини ўтказиш қоидаси

Иш бос- қичлари	Фаолият	
	Таълим берувчи	Таълим оловчи
1.	3 ва 5 кишидан иборат кичик гурухларни ташкил қиласди	
2.	Хар бир гурухга ностандарт тест тузиш топширигини беради. Топшириқни бажариш учун йўриқномалар беради.	Гурух аъзолари ўзаро топшириқни бошлайди.
3.	Топшириқни муваффақиятли бажарилишини ва муомала маданиятини назорат қиласди.	3.1. Ҳамма топшириқни мустақил бажаради. 3.2. Ностандарт тестлар тайёрланади.
4.	Гурухларда иш якунларини чиқарилишини сўрайди ва тузилган тестлар бўйича гурухлар тест синовларини ўтказишни талаб қиласди.	Гурухлар тест синовларини ўтказади.
5.	Натижаларни таҳлил қиласди ва баҳолайди, ғолиб гурухларни аниқлайди.	

3-илюстрация

“Инсерт” усули

Инсерт - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими хисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан тингловчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

- (v) – мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – менинди ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Тест тузиш қоидалари				
Тест топшириқларига қўйиладиган талаблар				
Тест турлари				
Тест топшириқларининг қийинчилик даражаси мезони				

Визуал материаллар

Тест саволлари мукаммал бўлиши учун, уларни тузишда бир қанча талабларга риоя қилиш зарур. Булар қуйидагилардан иборат: тест топшириқлари мазмунининг ўқув мақсадига мувофиқлиги; материал аҳамиятлилиги; илмий аниқлик; изчиллик; тўқислик ва уйғунлик; ўзлаштириш даражасига кўра табақалашганлиги; самарадорлик (кумулятивлик); тил равонлиги ва аниқлиги; бир маънолилик; вақтнинг қатъий белгиланиши; ихчамлик; мураккаблик меъёри; тўғри жавобда қўшимча белгиларининг мавжуд эмаслиги; вариативлик; шаклан ва мазмунан ўзаро боғлиқлик.

Ўқув мақсадига мувофиқлиги. Тест топшириқларининг мазмунин аниқлаштирилган (идентификацияланган) ўқув мақсадларига мувофиқ бўлиши лозим. Ўқув мақсадлари мажмуи иерархик тузилишига эга. Шунинг учун нисбатан яқин мақсадни амалга оширмай туриб, умумий (нисбатан олис) мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳар бир тест саволи маълум бир ўқув мақсадининг рўёбга чиқишини таъминлаши зарур.

Материалнинг аҳамиятлилиги. Тест саволларига ўқув материалининг энг муҳим, асосий қисмларини киритиш лозим. Тестда топшириқлар сони одатда чекланган бўлади. Бинобарин, тўғридан-тўғри қўйилаётган масалада барча мавзулар тўлиқ қамраб олинмаган бўлиши мумкин. Талабанинг умумий ҳолатдан хусусий хуносага келиши (дедуктив) ва аксинча, айрим далиллардан умумий хуносалар (индуктив) чиқара олиши, унинг назарий қоидаларни алоҳида ҳолатларда қўллашни нечоғлик ўзлаштириб олганини, тафсилотларни билиши эса назарий асосларни тушунтира олиш қобилиятларини кўрсатади.

Илмий аниқлик. Тестга муроҷа, билим орқали асослаш мумкин бўлган ҳаққоний маълумотлар киритилади. Фандаги мунозарали қарашларни тест саволларига киритиш тавсия этилмайди. Тест топшириқлари табиати асосан, аввалдан маълум, аниқ жавоб беришни тақозо этади.

Изчилиллик. Тестдаги топшириқлар маълум бир фанга таалуқли, умумий билим моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ бўлиши лозим. Изчилиллик айни бир топшириқ жавобини умумий тест натижаларига нисбатан муносабатида (коррелятив) кўринади.

Тўқислик ва уйғунлик. Тестдаги топшириқларнинг умумий сони мавзу ва қисмларга нисбатан мувофиқ тақсимланиши аҳамиятли. Бу талаб тест режасини ишлаб чиқишида амалга оширилиши лозим. Кўникумларини ривожлантиради.

Ўзлаштириш даражасига кўра табақаланганлиги. Ўкув материалининг маълум бир таркибий қисмига оид ўзлаштириш даражаси турлича (билиш, эслаб қолганини тасвирлаш, самарадор билимлар ва ижодий фикрлаш) бўлган тест топшириқларини тузиш лозим. Бу талаб ҳам тест режасини ишлаб чиқишида амалга оширилиши лозим.

Самарадорлик (кумулятивлик). Самарадорлик тест топшириқларининг борган сари мураккаблашиб боришини назарда тутади. Бу қатъий талаб эмас. Чунки, замонавий компьютер тест тизимида талабага навбатдаги тест топшириғи, аввалгисини қандай ечганига қараб берилади. Яъни аввалги саволга нотўғри жавобдан сўнг, унга нисбатан мураккаб бўлмаган тест топшириқлари берилиши мумкин.

Вақтнинг қатъий белгиланганлиги. Бу шартнинг моҳияти шундан иборатки, ўйлаш учун 2 дақиқадан ортиқ вақт талаб этиладиган тест саволлари бўлмаслиги лозим. Бирқанча хорижий тест топшириқларини таҳлил этилганда, математика бўйича 65 секунд, тил ва адабиёт бўйича 32 секунд, ижтимоий ва табиий фанлар бўйича 41 секунд, далиллар ва иборалар учун 20-25 секунд, чизмалар учун 90 секунд, шаклларни аниқлаш учун 90-120 секунд вақт ажратилиши маълум бўлди.

Ихчамлик. Тест топшириқларининг матни чўзилиб кетмаслиги, қалаштириб ташланмаслиги лозим. Мураккаб кўламли ўқув саволини ўзлаштиришни аниқлаш зарур бўлган ҳолларда, уни бир қанча ихчам тест топшириқларига бўлиб тузилгани маъқул.

Тил равонлиги, аниқлиги ва бир маънолилиги. Тест топшириқларида кўп маънолилик ва ноаниқликка йўл қўйиб бўлмайди. АҚСҲда тест топшириқларини тузувчилар гурухига муайян бир ўқув фани бўйича тажрибали педагог ва рухшуносдан ташқари адабий муҳаррир ҳам киритилиши анъанага айланган.

Мураккаблик меъёри (яроқлилиги). Тест топшириқлари педагогик жиҳатдан самарали бўлиши учун, улар оддий ахборот бериб қолмаслиги, жавоби очиқдан-очиқ аён бўлмаслиги лозим. Натижаси ярмига тенг ($\Pi\kappa 0,5$) бўлган тест топшириқлари нисбатан самарали ҳисобланади. Бундай натижа ўқув материалыни яхши ўзлаштирган ёки чукур тайёргарлик кўрмаган талабани аниқлашни осонлаштиради.

Тўғри жавобда қўшимча белгиларнинг мавжуд бўлмаслиги. Тест тузишда тажрибасиз киши тушунарли бўлсин, деган мақсадда тўғри жавобни бошқа жавобларга нисбатан кенгроқ ва батафсилроқ баён қиласди. Талабалар бу фарқни тез англаб оладилар ва жавобни ана шу белгига қараб аниқлашади. Бунга асло ёъл қўйиб бўлмайди.

З-мавзу

ДТМ томонидан тест топшириқларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни ўрганиш. Тестлар тўпламини шакллантириш, тест ўтказиш ва натижаларининг таҳлили

(амалий машғулот – 2 соат)

3.1. Амалий машғулотининг таълим технологияси модели

Вақти – 2 соат	Тингловчилар сони: 15-30 та
Машғулот тури	«Конверт» ва «Қандай» техникасидан фойдаланган ҳолда, билимларни чукурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> ДТМ томонидан тест топшириқлари мазмуни ва шаклига қўйиладиган умумий ва асосий талаблар Тестлар тўпламини шакллантириш Тест ўтказишга тайёргарлик, тест натижаларининг таҳлили ва уларни экспертизадан ўтказиш. Ўзбекистон таълим тизимида тест синовларининг тутган ўрни.
Ўқув машғулотининг мақсади: Тестлар тўпламини шакллантириш, Тест ўтказишга тайёргарлик, тест натижаларининг таҳлили ва уларни экспертизадан ўтказиш афзалликлари ва таълим-тарбия тизимида замонавий талаблар ҳақида тушунча беришдан иборат.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ul style="list-style-type: none"> Тестлар тўпламини шакллантириш тизимида замонавий талаблар ҳақида тушунча бериш; Тест ўтказишга тайёргарлик, тест натижаларининг таҳлили ва уларни экспертизадан ўтказиш афзалликларини баён қилиш. Ўзбекистон таълим тизимида тест синовларининг тутган ўрни, тестлардан фойдаланиш жараёнида мустақиллик йилларида таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиланишларни баён қилиш; 	<ul style="list-style-type: none"> Тестлар тўпламини шакллантириш тизимида замонавий талаблар ҳақида тушунчага эга бўлади; Тест ўтказишга тайёргарлик, тест натижаларининг таҳлили ва уларни экспертизадан ўтказиш афзалликларини англайди. Ўзбекистон таълим тизимида тест синовларининг тутган ўрни, тестлардан фойдаланиш жараёнида мустақиллик йилларида таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиланишларни тушиниб олади;
Ўқитиши усуллари	«Конверт» ва «Қандай» техникаси
Ўқитиши шакллари	Жамоа ва гурухларда ишлаш
Ўқитиши воситалари	Визуал материаллар, тарқатма материаллар, слайдлар манбалар, адабиётлар, доска.
Ўқитиши шартлари	Техник воситалар, компьютер ва видеопроектор билан таъминланган, гурухлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Амалий машғулотининг технологик харитаси

Ишлар босқичи ва мазмуни	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчи
1-босқич. Кириш (10 дақиқа)	<p>1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсад ва вазифаларини айтади (амалий машғулотни ўтказишда олдиндан топшириқ ва вазифалар беради).</p> <p>1.2. Таълим жараёни интерфаол усуллар орқали амалга оширишини эълон қиласди. Тингловчиларни доира ёки тўртбурчак шаклида столлар атрофида икки гурухга бўлади.</p>	<p>1.1. Амалий машғулотга тайёргарлик кўриб келади.</p> <p>1.2. Ихтиёрий равишда икки гурухга бўлинади.</p>
2-босқич. Асосий қисм (65 дақиқа)	<p>2.1. «Конверт» техникасидан фойдаланилган ҳолда ҳар бир гурух навбат билан конвертга солинган топшириқларни олади. (1-илова),</p> <p>2.2. Топшириқларга тайёргарлик кўриш учун 3 минут, жавоб бериш учун эса 7 минут беради.</p> <p>2.3. Гурухларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради, уларни баҳолаш мезонлари билан танишиди (2-илова), баҳс-мунозарани бошқариб боради. Зарур ҳолларда аралашади ва керакли томонга йўналтиди.</p> <p>2.4. Гурухларнинг жавобларини тинглаб, уларни баҳолайди.</p> <p>2.5. Гурухларга «Қандай?» техникасидан фойдаланилган ҳолда: Тест топшириқларига қўйиладиган талаблар (3-илова)</p> <p>2.6. Топшириқларни ватман қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишга ёрдам беради. Ягона хулоса чиқаришга кўмак беради ва ниҳоясида умумлаштиди.</p>	<p>2.1. Топшириқни кўриб чиқиб, саволларга жавоб беради.</p> <p>2.2. Регламентта риоя қиласди.</p> <p>2.3. Фаол қатнашадилар.</p> <p>2.4. Ўз фикрларини эркин билдирадилар.</p> <p>2.5. Мустакил диаграммани ҳар бир гурух тўлдиради.</p> <p>2.6. Тақдимот ўтказади. Ғолиб гурухларни аниқлаб, баҳолайди.</p>
З босқич. Якун ясаш (5 дақиқа)	<p>3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол тингловчиларни баҳолаш мезони орқали раббатлантиди.</p> <p>3.2. Мустакил иш учун топшириқ беради. 4-илова.</p>	<p>3.1. Эшитади. Аниқлайди.</p> <p>3.2. Уй вазифасини ёзиб оладилар</p>

1-илова

“Конверт” техникаси

Жадвални тўлдиринг

Тест ўтказишга тайёргарлик	Тест натижаларининг таҳлили ва уларни экспертизадан ўтказиш	Ўзбекистон таълим тизимида тест синовларининг тутган ўрни ҳақида нималарни биласиз

2-илова

Гурухларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари

<i>Топшириқлар, баҳолаши кўрсаткичлари ва мезонлари</i>	<i>I гурӯҳ</i>	<i>II гурӯҳ</i>
1-топшириқ: (1,5 балл)		
- савол ёритиб берилди (0,5 балл)		
- регламентга эътибор қаратилди (0,5 балл)		
- гуруҳ фаол қатнашди (0,5 балл)		
2-топшириқ: (1,5 балл)		
- муаммо аниқ ечимини топди (0,5 балл)		
- мантиқан тўғри хулоса чиқарилди (0,5 балл)		
- мисоллар билан умумлаштирилди (0,5 балл)		
Жами: (3 балл)		

0,5 балл – «аъло»

2,5 – 3 балл – «аъло»

0,4 балл – «яхши»

1,9 – 2,4 балл – «яхши»


0,3 балл – «қониқарли»

2,3 – 1,8 балл – «қониқарли».

“Қандай?” иерархик диаграммаси




«Қандай» органайзерини түлдириңг



Ўқув топшириғи**Гурұхлар учун вазифа**

ДТМ талабларига мос келадиган тест топшириқларини шакллантириш

Визуал материаллар

6. Тест топшириғи учта қийинлик даражасы асосида түзилиши ва ҳар бир топшириқнинг қийинлик даражасы топшириқ паспортида күрсатилиши керак:
 - ✓ **осон (I)** – тестдан ўтұвчининг хотирлаш қобилиятини аниқловчы, унча мураккаб бўлмаган бир ҳодиса ёки қонуниятни билишни талаб қилувчи даража;
 - ✓ **үртача қийин (II)** – тестдан ўтұвчидан таҳлил қила олишни, икки-уч қоидани ёки қонуниятни бир вақтда қўллай билиш натижасида тўғри хулосага келишни талаб қилувчи даража;
 - ✓ **қийин (III)** – жараённи прогноз қилишда тестдан ўтұвчининг тўғри жавобни топиш учун зарур бўлган ҳодиса ва қонуниятларни таҳлил қила олиш қобилиятини талаб қилувчи даража.

МАЪРУЗА МАТНИ

1-МАВЗУ. Тестология фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.

(2 соат маъруза)

Режа:

- 1. Тестология асослари бўйича умумий тасаввур.**
- 2. Тестология фанининг асосий тушунча ва тамойиллари.**
- 3. Тестология фанининг ривожланиш босқичлари, унинг фаолият соҳалари.**

Таянч иборалар: тест, тестология, тестолог, замонавий тестология, тест синови, ДТМ.

Жамият ва давлатнинг талабларига мос келадиган таълим олувчиликнинг тайёргарлиги даражасини таъминлаш мақсадида таълим муассасалари ҳолатининг мониторинги ва диагностикасини амалга ошириш, ўқитишнинг объектив натижаларини мунтазам таҳлил қилиш таълим сифатини оширишнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул жараёнларида ўқувчи ва абитуриентларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашда юқори даражада холисликни, ҳаққонийликни ва тенгликни таъминлаш имконини берадиган тестлардан фойдаланишга асосланган педагогик ўлчовлар алоҳида ўрин тутади. Педагогик ўлчовлар – педагогика соҳаси бўлиб, синаувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларини ўлчаш ва баҳолашнинг усул ва воситаларини ишлаб чиқади ва амалда қўллади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврда мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари қаторида таълим тизими, уни таркибий қисми бўлган Олий ва ўрта маҳсус таълими ҳам туб ислоҳотларни бошдан кечириб, такомиллашиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғърисида» ги қонуннинг қабул қилиниши (1997 йил, 29 август) ва уларда мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асослари, тамойиллари ва

босқичларини белгилаб берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Миллий мустақиллик ғоялари сингдирилган бу тарихий хужжатлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ривожланган мамлакатлар таълим тизимини ўрганишга ҳам кенг йўл очилди, иқтидорли ёш олимларимиз ва тингловчилар «Устоз» ва «Умид» ҳозирги “Истеъдод” жамғармалари орқали ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олишдек бахтга мұяссар бўлмоқдалар. Ўз навбатида хорижий мутахассислар ҳам мамлакатимиз таълим тизимида рўй бераётган ислоҳотларни ўрганиб, уларга ижобий баҳо бермоқдалар. Бу каби ўзаро алоқалар ўз навбатида мамлакатимиз таълим тизимиға ривожланган мамлакатлардаги илғор педагогик технологияларни ўз миллий қадриятларимиз нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, ўқув жараёнига жорий этишни ҳам тақозо қилмоқда. Зеро, бу каби амалий ишлар мамлакатимиз таълим тизимини жаҳон таълим стандартлари билан интеграсиялашувининг асосий белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида «ўқув-тарбиявий жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Касбий таълим йўналишлари тингловчиларини илғор педагогик технология ва уни ўқув жараёнига жорий этиш бўйича тизимли ахборотлар билан қуроллантириш мақсадида яратилган. У уч бўлимдан иборат:

1- бўлим - Педагогик технологиянинг назарий асослари, 2- бўлим - Тестшунослик асослари, 3- бўлим -Тўла ўзлаштириш технологияси. Бўлимлар мазмунини ёритишда АҚСҲда яратилган ва ЮНЕСКО томонидан маъқулланиб 30 га яқин ривожланган мамлакатлар (Англия, Япония, Жанубий Корея, Малазия ва ҳ.к.) таълим тизимида муваффақиятли қўлланилаётган педагогик технологиянинг моҳияти, унинг одатдаги ўқитиши усулларидан фарқ қилувчи жиҳатлари, Ўзбекистон таълим тизимиға уни жорий этишнинг аҳамияти, тест топшириқлари шакллари, уларни тузиш ҳамда педагогик технологиянинг тамойиллари ва қоидалари, ўқув

материалини тўла ўзлаштириш ғоясини вужудга келиши ва унинг амалга ошириш усуллари баён этилган. Ҳар бир мавзуга оид мустақил таълим учун топшириқлар ва турли шаклдаги назорат тестлари берилган. Тузилган тест топшириқлари фақатгина ўзлаштиришни назорат қилибгина қолмай, балки ўргатувчи (ўқитувчи) функцияни ҳам бажаради. Чунки, бу тест топшириқларини ечиш жараёнида мавзуларни мустақил равища ўзлаштиришга ҳам эришилади. Бу жараёнда Тестология фанининг аҳамияти бекиёс.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига юклатилган асосий вазифалардан бири “Республика таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишда тест синови орқали танлаб олиш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ўкув жараёни самарадорлигини холисона баҳоланишини назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш” ҳисобланади. Бу борада Давлат тест маркази (ДТМ) вазифаси этиб “мураккаблик даражаси таълим дастурларига мувофиқ бўлган тест материалларини ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида таълим муассасаларига кираётган абитуриентларни тест синовларидан ўтказиш” белгиланган. Давлат тест маркази таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишда ўтказиладиган тест синовлари материаллари(топшириқлар)ни тайёрлаш учун олимлар, етакчи педагог мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқига эга бўлиб, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш вазифасини ҳам бажаради.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари бакалавриатига қабул бўйича абитуриентлар тест синовларини ўтказишида тест топшириқларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш учун Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус касб-хунар таълими маркази тавсияси билан ҳар йили Давлат тест марказига умумий ўрта таълим ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларидан тажрибали педагог – услубчилар, шунингдек, республиканинг етакчи олий таълим муассасалари кафедраларининг профессор-ўқитувчилари жалб қилинади.

ДТМнинг “Тест синовлари технологияларини ривожлантириш” бўлими ходимлари томонидан ҳар йили, мунтазам равишда, қайд этилган ташкилотлар тавсия этган мутахассис-экспертлар учун тест синовлари топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларни экспертиза қилиш бўйича услубий семинар машғулотлари ўтказилади, маслаҳатлар берилади, улар услубий кўрсатмалар билан таъминланади. Аммо, тўлақонли, илмий асосланган тест топшириқларини ишлаб чиқиш учун методик семинарлар, маслаҳатлар, эксперт - тестологлар учун тест тузиш ва ишлаб чиқиш бўйича эслатмалар етарли эмас.

Абитуриентлар тест синовлари учун тест топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларни экспертиза қилиш бўйича эксперталар билан олиб борилган услубий ишлар айrim фанлардан кўпчилик ўқитувчиларнинг замонавий тестология асослари бўйича билимлари пастлигини кўрсатди. Кўпчилик педагоглар тест - бу саволлар ва уларга берилган жавоблар рўйхатидан иборат, тестни яратиш ҳеч қандай маҳсус билим талаб қилмайди, деб мушоҳада юритадилар.

Таълим соҳасидаги тест синови - бу тестдан ўтувчиларнинг маълум ўқув фанлари ёки таълим дастурлари бўйича тайёргарлиги даражасини холис баҳолаш усулидир. Тест топшириқларини бажариш интеллектуал фаолият бўлиб, у чегараланган вақтда ва назорат қилинадиган шароитларда амалга оширилади. Тест синовлари натижаларининг холислиги, биринчи навбатда, тест топшириқларининг сифатига боғлиқ, шунинг учун топшириқларни ишлаб чиқиша замонавий тестология фани назарияси ва амалиётига асосланган талабларни инобатга олиш зарур.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз, **тестология** - шахснинг турли хил хусусиятларини маҳсус ишлаб чиқилган тестлар ва уларни талқин қилиш усуллари ёрдамида баҳолаш имкониятларини ўрганувчи фан бўлиб, тестолог тестологиянинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи мутахассисдир.

Замонавий тестология етук амалий фан бўлиб, ўзида тест топшириқларини яратишнинг асосий тушунчалари ва терминларини, тамойилларини, шаклларини (тузилишини), мазмунига, қийинлигига қўйиладиган талабларни, тест топшириқларини баҳолаш шкалаларини, яъни тест топшириқлари банкини яратиш бўйича фаолиятни белгиловчи меъёрларни ўзида жамлайди.

Ҳозирги вақтда ихтиёрий таълим муассасасининг ҳар бир ўқитувчиси ўз фаолиятида ўқитадиган фани бўйича ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш усули сифатида тест ўтказишдан фойдаланади. Бунинг учун у илмий асосланган тест топшириқларини Давлат таълим стандартлари ёки Давлат талабларига мос таълим дастури бўйича ишлаб чиқиши зарур. Таълим муассасалари ўқитувчилари замонавий тестология фани талабларига жавоб берадиган тест топшириқларини ишлаб чиқиши учун маҳсус тайёргарликни ташкил этиш зарур.

Таълим тизими учун тестологларни тайёрлаш бўйича чет эл мамлакатлари, жумладан, Россия Федерацияси (РФ) тажрибаси ўрганилган. РФ таълим тизимида педагоглар малакасини ошириш таълим муассасаларида тестолог-мутахассисларни тайёрлаш курслари ташкил этилган бўлиб, қўшимча «Тестолог», яъни педагогик ўлчовлар соҳаси бўйича мутахассис малакасини олмоқчи бўлган шахсларни тайёрлаш учун кўплаб касбий таълим дастурлари мавжуд. Бунинг учун касбий таълим дастурлари ва тайёрлаш даражасининг минимум мазмунига қўйилган Вақтинчалик давлат талаблари тасдиқланган. Дастур таълим тизимининг профессор-ўқитувчилари, педагогик ва илмий-тадқиқотчи кадрлар таркибидан тестологларни тайёрлаш учун мўлжалланган. «Тестолог» малакаси олий таълим муассасаларини педагогика ва психология йўналишлари бўйича битирувчиларнинг, шунингдек, магистратура битирувчиларнинг асосий малакасига қўшимча бўлиб ҳисобланади. Дастурдан, шунингдек, олий таълимдан кейинги таълим ва қўшимча касбий таълим тизимида ҳам фойдаланиш мумкин. Қайд этилган қўшимча малака шахсларга малака имтиҳонлари ва малакавий иш ҳимояси

муваффақиятли якунланғандагина берилади. Касбий таълим дастури бўйича тайёрлашнинг меъёрий муддати 1480 соатни ташкил этади. Ўқитиш шакли – кундузги. Ушбу дастурнинг мақсади курсни ўқиган шахсларни қуидаги фаолият турларига тайёрлашдан иборат: ҳар хил турдаги педагогик тестларни ишлаб чиқиш; педагогик тестларни ўқув жараёнида қўллаш; тест топшириқлари сифатини экспертиза қилиш; педагогик ўлчовлар соҳасида тадқиқотлар ўтказиш; педагогик жамоани педагогик тестлар имконияти билан таништириш; педагогик ўлчовлар муаммолари бўйича маъруза, амалий ва семинар машғулотларини ўтказиш. Педагогик ўлчовлар бўйича мутахассисларнинг фаолият соҳаси таълим муассасалари, шунингдек, фаолияти таълим тизими билан боғлиқ бўлган бошқа муассаса ва ташкилотлар бўлиши мумкин.

Шунингдек, ягона давлат имтиҳонининг очиқ турдаги топшириқларни текшириш бўйича минтақавий предмет комиссиялари экспертларини тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш амалиёти бўйича РФ тажрибаси ўрганилган. Бунда Педагогик ўлчовлар федерал институти мутахассислари томонидан олий касбий таълимнинг давлат таълим стандарти асосида экспертларни тайёрлаш курси дастури ва курсни ўтказиш учун ўқув-услубий материаллар ишлаб чиқилганлиги ҳақида маълумотга эга бўлинди. Курснинг мақсади мутахассис-экспертларнинг очиқ турдаги топшириқларни текшириш ва баҳолаш соҳасидаги касбий маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унинг вазифалари:

- тингловчилар томонидан ягона давлат имтиҳонининг аҳамиятини тушунишга ёрдам беришдан; тингловчиларда таълим ютуқларини баҳолашнинг замонавий технологиялари ҳақида, синовларни ўтказиш жараёнини ва очиқ турдаги топшириқларга битирувчиларнинг берган жавобларини текшириш ва баҳолашни белгиловчи меъёрий хужжатлар мазмуни ҳақида асосий назарий-услубий билимлар тизимини шаклланишига кўмаклашишдан;

- фандан тузиладиган назорат материалларининг тузилиши ва мазмуни, ҳар хил турдаги (жавобни танлаш, қисқа жавобли, очик турдаги) топшириқлардан мақсадли фойдаланиш, уларни ишлаб чиқиш тамойиллари ва усуллари түғрисида тушунчаларининг шаклланишига кўмаклашишдан;

- очик турдаги топшириқларга битирувчиларнинг берган жавобларини текшириш ва баҳолашни белгиловчи кўрсатмалар билан ишлаш; очик турдаги топшириқларга битирувчиларнинг берган жавобларини текшириш ва холис баҳолаш; минтақавий предмет комиссиялари экспертларини мустақил ташкил этиш ва тайёрлаш бўйича кўникмаларини шаклланишига кўмаклашишдан иборат.

Таълимий тестларнинг долзарб муаммолари бўйича хорижий давлатларнинг тажрибаси ўрганиш кўпгина давлатлар (Англия, Франция, Германия, Япония, Америка Кўшма Штатлари)да охирги ўн йиллик ичida тест жараёнига ўзгартириш киритиш тенденциясига ўтилаётганлигини кўрсатди. Бунда ёпиқ тест топшириқлари асосида ўtkazilgan тест синовлари билан чегараланиб қолмаслик, балки очик тест топшириқлари асосида ўtказилган тест синовлари на факат ўқувчининг билимини, балки ечиш усулларини, баён этиш мантиқини, фикрлаш ва бошқа қобилиятларини, шунингдек, амалий топшириқларни бажариш имконини бериши таъкидланган. Тестологиянинг илмий-услубий асослари, уларнинг татбиқи ва бу соҳадаги хорижий давлатлар тажрибалари тест ўtказишиш (баҳолаш) мақсадга кўра амалга оширилишини талаб этади. Яъни қабул, мониторинг, аттестация ёки бошқа жараёнлар учун ўtказиладиган тест синовларида кўзланган мақсадга қараб очик ёки ёпиқ турдаги тест топшириқларини кўллаш тавсия этилади.

Давлат тест марказига жалб қилинган эксперталар тест топшириқларини яратиш технологияларини билиши ва қўллаши жаҳон андозалари даражасида бўлиши давр талаби бўлиб, ДТМнинг тест синовлари технологияларини ривожлантириши бўйича олиб борадиган фаолияти бевосита тестологлар тажрибасига ва малака-кўникмаларига боғлиқдир.

Давлат тест маркази қабул тест синовларини такомиллаштириш ва тест тузувчиларни тайёрлаш бўйича маълум тажрибага эга. 2004-2009 йиллари давлат тест маркази ва Британия Кенгаши ҳамкорликда тест синовларини такомиллаштириш ва тест тузувчиларни тайёрлаш бўйича лойиҳани амалга оширдилар. Лойиҳа тест ўтказишнинг замонавий самарали усулларини татбиқ этиш, инглиз тили, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, математика, кимё каби фанлардан тест тузувчилар гурухини тайёрлаш, pilot вариантда тест топшириқларини тузиш ва ўтказиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, ўқитувчилар учун семинарлар ўтказиш масалаларига қаратилган. Ушбу лойиҳа бўйича ўқитилган ўқитувчилар ҳозирда республикамиз таълим муассасаларига қабул тест синовларини ўтказиш учун тест топшириқларини тайёрлаш ва экспертиза қилишда иштирок этмоқдалар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ишлатилаётган тестлар махфийлигини ва тест синовларини ўтказишнинг холислигини таъминлаш учун тест топшириқларини ишлаб чиқувчиларни ва тестлар банкини даврий янгила буриш зарур. Ҳозирги вақтда тест топшириқларини тузиш жараёнида махсус ўқитилган тест тузувчиларни даврий алмаштириб туриш учун улар етарли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралда 25-сонли қарори билан тасдиқланган «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари»да педагог кадрларнинг тайёрланганлигига қўйиладиган талаблар, умумий малака талаблари белгиланган. Жумладан, давлат талабларида таълим олувчиларнинг билимларини холисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати бўйича “Педагог таълим олувчиларнинг билимлари ва маҳоратларини холисона баҳолаш принциплари, методлари ва механизmlарини билиши, стандартлаштирилган тестларни ишлаб чиқиши, таълим олувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилишнинг турли шаклларини самарали қўллаш маҳоратига эга бўлиши керак”лиги белгиланган.

Шулардан келиб чиқиб, республикамиз таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини ривожлантириш учун тест топшириқларини тузиш, тест синовлари натижаларини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш усулларини, ёндашувларини ўзлаштириш мақсадида мутахассис – тестологларни даврий ўқитиши зарур бўлади. Шу мақсадда Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари тизимида республикамиз педагогик ходимларни ўқитиши жараёнига касбий таълим дастури бўйича “Замонавий тестология асослари” ўқув курсини киритиши тавсия этилади. Ушбу курс таълим дастурини ишлаб чиқишида таълим тизими учун тестологларни тайёрлаш ишлари бўйича халқаро тажрибадан фойдаланиш мумкин.

Тестология тушунчаси. Тестология - шахснинг турли хил хусусиятларини махсус ишлаб чиқилган тестлар ва уларни талқин қилиш усуллари ёрдамида баҳолаш имкониятларини ўрганувчи фан бўлиб, тестолог тестологиянинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи мутахассисдир. Таълимнинг асосий мақсади — ўқувчиларга фанлар бўйича назарий билимлар бериш, амалий кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларда маънавий, ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, дунёқарашларини шакллантириш, кенгайтириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Берилаётган билим, ҳосил қилаётган кўникма ва малакалар қай даражада ўзлаштирилганини аниқлаш ва баҳолаш ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларни аниқлашда эса турли форма ва методлардан фойдаланилади. Жумладан, савол ва жавоблар, сұхбат, ёзма ишлар коллеквиум, семинар, синов, имтиҳонлар ўтказиш ва бошқалар. Юқорида қайд қилинган форма ва методларга нисбатан тест топшириқлари асосида синовлар ўтказиш ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлашда ҳамда баҳолашда анча қулай ва самарали йўллардан бири ҳисобланади.

Тестлардан фойдаланиш ҳозирги куннинг асосий талабларидан биридир. Бу эса билим, кўникма ва малакалар қай даражада ўзлаштирилганини (қай даражада) ва баҳолашнинг объектив миқдорига

бўлган зарурият билан боғлиқдир. Тест — инглизча сўз бўлиб, «тестр», яъни «текшириш» маъносини билдиради. Тестлардан фойдаланиш ҳақидаги дастлабки маълумотлар инглиз олими Фишернинг 1864 йилда эълон қилинган «Scale books» китобида, Америка олими Ж.И.Ройошнинг «Орфография — билимларни текшириш» жадвалида (1884), немис олими Эбенгауснинг (1897) нуқтали бўлиб қолдирилган матнларида келтирилган. XIX асрнинг дастлабки ўтган йилида мактабда ўзлаштиришни аниқлашга хизмат қилувчи тестлар Германияда, кейинчалик АҚШда яратилиб янада ривожлантирилган. Ҳозирги пайтда бундай тестлар Буюк Британия, Скандинавия, Нидерландия, Туркия, АҚШ, Германия мактабларида муваффақият билан қўлланиб келинмоқда.

Тестлар умуман қўйидаги қисмларга бўлинади: а) психологик; б) педагогик; с) социологик. Психологик тестлар — шахснинг психологик хусусиятларини, унинг интеллектуал томонларини ўрганади ва аниқлайди. Педагогик тестлар таълим-тарбия жараёнида билимлар даражасини аниқлайди. Социологик тестлар — шахснинг ижтимоий томонларини ўрганади ва аниқлайди. Бу ерда кўпроқ педагогик тестлар ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Педагогикада қўлланадиган тестлар предмет тестлари деб аталади. Предмет тестлари ҳар бир предметдан ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш, умумлаштириш, системалаштириш, ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва баҳолаш мақсадларига қаратилиши мумкин. Ўқув йили давомида таълим-тарбия жараёнида юқоридаги тест формаларининг исталганидан фойдаланиш мумкин. Битириш ва кириш имтиҳонларида программалаштирилган тестлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тест варианти қанча кўп бўлса, синов натижаси шунча объектив бўлади. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Касбий таълим йўналишлари тингловчиларни илғор педагогик технология ва уни ўқув жараёнига жорий этиш бўйича тизимли ахборотлар билан куроллантириш мақсадида яратилган. Тестшунослик асослари мазмунини

ёритишда унинг одатдаги ўқитиш усулларидан фарқ қилувчи жиҳатлари, Ўзбекистон таълим тизимиға уни жорий этишнинг аҳамияти, тест топшириқлари шакллари, уларни тузиш ҳамда педагогик технологиянинг тамойиллари ва қоидалари, ўкув материалини тўла ўзлаштириш ғоясини вужудга келиши ва унинг амалга ошириш усуллари баён этилган. Ҳар бир мавзуга оид мустақил таълим учун топшириқлар ва турли шаклдаги назорат тестлари берилган. Тузилган тест топшириқлари фақатгина ўзлаштиришни назорат қилибгина қолмай, балки ўргатувчи (ўқитувчи) функцияни ҳам бажаради. Чунки, бу тест топшириқларини ечиш жараёнида мавзуларни мустақил равишда ўзлаштиришга ҳам эришилади.

Ўз-ўзини баҳолаш саволлари:

- 1.“Тест” сўзи қайси тилдан олинган ва маъноси нима?
- 2.Тестология фанининг предмети, мақсад ва вазифаларини очиб беринг;
- 3.Тестология фанининг асосий тушунча ва тамойилларини айтиб беринг;
- 4.Тест синовлари эволюцияси нима?
- 5.Тест топшириқларининг шакллари ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т., 1997.
- 3.Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т., 1997.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 293-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.
- 5.Аванесов В.С. Композиция тестовых заданий. Москва, 2002.
- 6.Временные государственные требования к минимуму содержания профессиональной образовательной программы и уровню подготовки лиц при получении дополнительной квалификации "Тестолог (специалист в

области педагогических измерений)". Министерство образования Российской Федерации. Москва, 2000. 14 стр.

7.Федеральная служба по надзору в сфере образования и науки РФ, Федеральный институт педагогических измерений. Сборник материалов для организации подготовки региональных экспертов ЕГЭ в 2005. 26 стр.

8.Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Т.:ИПВССШ. 1999. -84 с.

9.Тестология бўйича русча-ўзбекча, ўзбекча-русча изоҳли терминологик лугат-минимум / Техника фанлари доктори Б.М.Исмаиловнинг умумий таҳрири остида. Тошкент: Давлат тест маркази, 2005. Рус ва ўзб. тил. – 136 бет.

10.Ковалева Г.С. Национальный фонд подготовки кадров, Программа развития и совершенствования государственных образовательных стандартов и тестирования (Первый этап). Итоговый отчет. Зарубежный опыт построения и актуальные проблемы развития образовательного тестирования. Москва, 2001. 26 стр.

11.Крисилов В.А. Опыт прведения рейтингов украинских и российских вузов /Крисилов В.А., М.Л. Слуцкая // Ранжирование высших учебных заведений: состояние, тенденции, проблемы. Коллективная монография / Под. Ред. В.Н. Бержанского. – Симферополь: ДИАЙПИ, 2007. - С.29-41.

12.Қосимов С., Сапаев М., Юсупов А. Рисола. Европа тажрибалари асосида Ўзбекистон олий таълим муассасалари рейтинг тизимини такомиллаштириш. Урганч, 2009. 41 бетда.

13.Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг 2004-2005 ўкув йили бўйича рейтинг натижалари., ЎзР ВМ ҳузуридаги Давлат тест маркази, Тошкент, 2005.

14.“Ахборотнома” илмий-услубий журналининг 2012 йил 1-сони.

15.“Ахборотнома” илмий-услубий журналининг 2012 йил 2-3-сони.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1.“Тест” сўзини ким биринчи марта қўллаган?

- A) Инглиз олими Фишернинг 1864 йилда эълон қилинган «Scale books» китобида
- B) Америка олими Ж.И.Ройошнинг «Орфография — билимларни текшириш» жадвалида
- C) немис олими Эббенгауснинг нуқтали бўлиб қолдирилган матнларида
- D) Аванесов В.С. тадқиқотларида

2. Тестология терминига тариф беринг?

- A) тестология - шахснинг турли хил хусусиятларини махсус ишлаб чиқилган тестлар ва уларни талқин қилиш усуллари ёрдамида баҳолаш имкониятларини ўрганувчи фан
- B) тестология – фаннинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи фан
- C) тестология – муайян билим соҳасидаги тайёргарлик даражасининг баҳоланиши
- D) тестология – синалувчиларнинг муайян соҳадаги тайёргарлик даражасини баҳолаш мақсадида тестдан ёки тест синовлари натижаларидан фойдаланиш

3. Тестолог терминига тариф беринг.

- A) тестолог тестологиянинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи мутахассисдир
- B) тестолог шахснинг турли хил хусусиятларини махсус ишлаб чиқилган тестлар ва уларни талқин қилиш усуллари ёрдамида баҳолаш имкониятларини ўрганувчидир
- C) тестолог – фаннинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланади
- D) тестолог – кириш имтихонлари ўтказувчидир

4. Таълим соҳасидаги тест синови нима?

- A) бу тестдан ўтувчиларнинг маълум ўқув фанлари ёки таълим дастурлари бўйича тайёргарлиги даражасини холис баҳолаш усулидир.
- B) тест тузиш усули
- C) тест ўтказиш усули
- D) синов воситаси

5. Тест илк бор қайси манбаларда учратилган?

- А) Юнон манбаларида
- В) Инглизча манбаларда
- С) французча манбаларда
- Д) русча манбаларда

6. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қачон қабул қилинганды?

- А) 1997 йил 29 августда
- В) 1992 йил 29 августда
- С) 1998 йил 29 августда
- Д) 2007 йил 29 августда

7. Давлат тест маркази қачон ташкил қилинганды?

- А) 1994 йил
- Б) 1995 йил
- С) 2004 йил
- Д) 2005 йил

8. Ўзбекистон таълим тизимида қачондан бошлаб тест синовларида фойдалана бошланди?

- А) 1992 йил
- Б) 1994 йил
- С) 2004 йил
- Д) 2005 йил

9. Тестларнинг қандай турларини биласиз?

- А) психолого-социалник ва педагогик тестлари
- Б) психолого-ўқув ва ишлаб чиқариш
- С) илмий, социологик ва ўқув тестлари
- Д) педагогик, илмий ва ўқув тестлари

10. Таълим жараёнида қайси тест туридан фойдаланилади?

- А) Педагогик тестлардан
- Б) Социологик тестлардан
- С) Психологик тестлардан
- Д) Ўқув ва илмий тестлардан

11. Педагогик тестларга қайсилар қиради?

- А) Предметлар бүйича тестлар
- В) Социологик тестлар
- С) Психологик тестлар
- Д) Ўқув ва илмий тестлар

12. Гамоген тестлар тушунчасини аникланг.

- А) Бир мавзу бүйича тузилган тестлар
- Б) Бир неча мавзу бүйича тузилган тестлар
- С) Битта фан бүйича тузилган тестлар
- Д) Бир неча фан бүйича тузилган тестлар

13. Гитероген тестлар деганда нимани тушунасиз?

- А) Бир неча мавзу бүйича тузилган тестлар
- Б) Бир мавзу бүйича тузилган тестлар
- С) Битта фан бүйича тузилган тестлар
- Д) Бир неча фан бүйича тузилган тестлар

14. Метод сўзи қайси тилдан олинган ва маъноси нима?

- А) юонча сўз бўлиб, йўл, усул, ҳаракат усули маъносини билдиради.
- В) лотинча сўз бўлиб фан деган маънени билдиради
- С) арабча сўз бўлиб усул деган маънени билдиради
- Д) русча сўз бўлиб усул деган маънени билдиради

15. Инновация сўзи қайси тилдан олинган ва маъноси нима?

- А) лотинча сўз бўлиб, “янгилик киритаман” маъносини билдиради.
- В) лотинча сўз бўлиб фан деган маънени билдиради
- С) арабча сўз бўлиб усул деган маънени билдиради
- Д) русча сўз бўлиб усул деган маънени билдиради

16. Интерфаол сўзи қайси тилдан олинган ва маъноси нима?

- А) инглизча сўз бўлиб, “ўзаро таъсир” маъносини билдиради
- В) лотинча сўз бўлиб, “янгилик киритаман” маъносини билдиради.
- С) юонча сўз бўлиб, йўл, усул, ҳаракат усули маъносини билдиради.
- Д) русча сўз бўлиб усул деган маънени билдиради

17. Таълим нима?

- A) инсоннинг маълум бир тизим асосида олган билим, кўникма, малакаси ва эгалланган маънавий фазилатлари йиғиндисидир.
- B) маълум бир соҳа бўйича билим эгаллаш
- C) ёшларни олий ўқув юртига тайёрлаш
- D) ходимларни илмий иш қилишга тайёрлаш

18. Тест нечта турга бўлинади?

- A) 3 та
- B) 4 та
- C) 2 та
- D) тўғри жавоб йўқ

19. Жамият ҳаётининг модернизациялаш нима?

- A) b, c, d
- B) Янги усулларни қўллаш
- C) Янада такомиллаштириш
- D) Янгиланиш

20. Тест тузишдаги дастлабки иш нимадан иборат?

- A) Тест режасини ишлаб чиқиш
- B) Тестни қимга эканлигини аниқлаш
- C) Мавзуни аниқлаштириш
- D) Тест манбасини аниқлаштириш

21. Предметли тестларга қандай нормалар қўйилади?

- 1 Тестларнинг мазмуни ва кўрсаткич нормалари
- 2 Ёш нормалари
- 3 Гурухий нормалар
- 4 Нисбий норма
- 5 мавзувий норма
- 6 илмий норма
- A) 1, 2, 3, 4
- B) 1, 2, 4, 5, 6
- C) 2, 3, 4, 5
- D) 1, 2, 5, 6

22. Психологик тестлар деганда нимани тушунасиз?

- А) шахснинг психологик хусусиятларини, унинг интеллектуал томонларини ўрганади ва аниқлайди
- В) таълим-тарбия жараёнида билимлар даражасини аниқлайди
- С) шахснинг ижтимоий томонларини ўрганади ва аниқлайди
- Д) Педагогикада қўлланадиган тестлар

23. Социологик тестлар деганда нимани тушунасиз?

- А) шахснинг ижтимоий томонларини ўрганади ва аниқлайди
- В) таълим-тарбия жараёнида билимлар даражасини аниқлайди
- С) шахснинг психологик хусусиятларини, унинг интеллектуал томонларини ўрганади ва аниқлайди
- Д) Педагогикада қўлланадиган тестлар

24. Мактабда ўзлаштиришни аниқлашга хизмат қилувчи тестлар дастлаб қачон ва қайерда пайдо бўлган?

- А) XIX асрнинг охирида Германияда
- Б) XIX асрнинг охирида Англияда
- С) XIX асрнинг охирида Францияда
- Д) XIX асрнинг охирида Туркияда

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Тестология фанининг предмети, мақсад ва вазифалари нималарда деб биласиз?
2. Тестология фанининг ривожланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
3. Нима учун бугунги кунда тест топшириқларидан фойдаланиш ривожланиб бормоқда?
4. Тестология фанининг асосий тушунча ва тамойиллари ҳақида нималарни биласиз?
5. Тест синовлари эволюцияси нима?
6. Замонавий тестология нима?
7. Тест топшириқларининг шакллари ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?
8. Тестлар тўпламини шакллантириш нима?
9. “Таълим тўғрисида”ги Қонун қачон қабул қилинган ва унинг бўлиmlари ҳақида нималарни биласиз?
10. Тест ўtkазишга тайёргарлик, тест натижаларининг таҳлили ва уларни экспертизадан ўtkазиш афзалликлари тўғрисида қандай маълумотларга эга бўлдингиз?

МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Тестология фанининг методологик асослари.
2. Тестология фанининг ривожланиш босқичлари, унинг фаолият соҳалари.
3. Тест тузиш методикаси.
4. Тест топшириқларнинг турлари ва уларнинг тавсифи.
5. Тест топширигининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйила-диган талаблар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий тест топшириқларини тузиш
6. Тест топшириқлари мазмунини танлаш принциплари
7. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари
8. Тестларнинг стандарт меъёрлари,
9. Тестлар тўпламини шакллантириш.
10. Масофавий таълим тизимида тестлардан фойдаланиш.
11. Ўзбекистон таълим тизимида тест синовларининг тутган ўрни
12. Тест ўтказишга тайёргарлик, тест натижаларининг тахлили ва уларни экспертизадан ўтказиш афзалликлари.
13. Тест топшириқларига қўйиладиган талаблар.
14. Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Тест тузиш методикаси.

1. Тестларнинг стандарт меъёрлари.

2. Тестларнинг мазмуни ва қўрсаткич нормалари.

3. Ёш нормалари.

4. Гуруҳий нормалар.

5. Нисбий нормалар.

6. Тест топшириклари мазмуни ва шаклига қўйиладиган умумий ва асосий талаблар

7. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон қўрсаткичлари.

8. Ўзбекистон таълим тизимида тест синовларининг тутган ўрни.

9. Масофавий таълим тизимида тестлардан фойдаланиш.

ГЛОССАРИЙ

Адаптив (тадрижий) тест – компьютерда тест ўтказиш тури.

Балл – бирон-бир баҳолаш (аниқлаш, ўлчаш) жараёнининг натижаси сифатида синаловчига қўйилган миқдорий ёки қатъий баҳо.

Вариативлик – ўқув материалидаги маълум бир мавзуни ўзлаштиришни назорат қилиш учун мантикий фикр баёни, синтактик тузилиши, морфологик белгилари ёки мураккаблик даражасига кўра турлича бўлган, лекин битта ўқув материалига тегишли тест саволлари тузиш мумкин. Бу бир ўқув мақсадига эришиш ёълида топшириқлар туркумини яратиш имконини беради (инвариант тестлар). Шу боис компьютер тест тизими топшириқларнинг вариативлик хусусиятига асосланган. Бунда компьютер навбатлаги топшириқни аввалги саволга берилган жавобга кўра танлайди.

Вақтнинг қатъий белгиланганлиги – бу шартнинг моҳияти шундан иборатки, ўйлаш учун 2 дақиқадан ортиқ вақт талаб этиладиган тест саволлари бўлмаслиги лозим. Бирқанча хорижий тест топшириқларини таҳлил этилганда, математика бўйича 65 секунд, тил ва адабиёт бўйича 32 секунд, ижтимоий ва табиий фанлар бўйича 41 секунд, далиллар ва иборалар учун 20-25 секунд, чизмалар учун 90 секунд, шаклларни аниқлаш учун 90-120 секунд вақт ажратилиши маълум бўлди.

Илмий аниқлик. Тестга мушоҳада, билим орқали асослаш мумкин бўлган ҳаққоний маълумотлар киритилади. Фандаги мунозарали қарашларни тест саволларига киритиш тавсия этилмайди. Тест топшириқлари табиати асосан, аввалдан маълум, аниқ жавоб беришни тақозо этади.

Изчиллик. Тестдаги топшириқлар маълум бир фанга таалукли, умумий билим моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ бўлиши лозим. Изчиллик айни бир топшириқ жавобини умумий тест натижаларига нисбатан муносабатида (коррелятив) кўринади.

Ихчамлик – тест топшириқларининг матни чўзилиб кетмаслиги, қалаштириб ташланмаслиги лозим. Мураккаб кўламли ўқув саволини ўзлаштиришни аниқлаш зарур бўлган ҳолларда, уни бир қанча ихчам тест топшириқларига бўлиб тузилгани маъқул.

Мураккаблик меъёри (яроқлилиги) – тест топшириқлари педагогик жиҳатдан самарали бўлиши учун, улар оддий ахборот бериб қолмаслиги, жавоби очиқдан-очиқ аён бўлмаслиги лозим. Натижаси ярмига teng (Пк0,5) бўлган тест топшириқлари нисбатан самарали ҳисобланади. Бундай натижа

ўқув материалини яхши ўзлаштирган ёки чукур тайёргарлик кўрмаган тингловчини аниқлашни осонлаштиради. Шунинг учун ҳам, абитуриентларни танлаш, битирув имтихонлари каби муҳим тадбирлар учун тест топшириқлари ўқув дастурини тўлиқ ўрганган тингловчиларнинг 50 фоизи бажара олиши мумкин бўлган даражада тайёрланади. Демак, маълум бир йўналишдаги тестлар учун 50 фоизлик натижа яхши кўрсаткичdir. Шуни унутмаслик керакки, ўз синфи учун муаллимлар томонидан тайёрланган тест топшириқлари бошқачароқ мезон билан баҳоланади. Бунда 50 эмас, балки 85 фоиз кўрсаткич мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу хақда олдинги мавзуда баён этилган.

Материалнинг аҳамиятлилиги – тест саволларига ўқув материалининг энг муҳим, асосий қисмларини киритиш лозим. Тестда топшириқлар сони одатда чекланган бўлади. Бинобарин, тўғридан-тўғри қўйилаётган масалада барча мавзулар тўлиқ қамраб олинмаган бўлиши мумкин. Тингловчининг умумий ҳолатдан хусусий холосага келиши (дедуктив) ва аксинча, айрим далиллардан умумий холосалар (индуктив) чиқара олиши, унинг назарий қоидаларни алоҳида холатларда қўллашни нечоғлик ўзлаштириб олганини, тафсилотларни билиши эса назарий асосларни тушунтира олиш қобилиятларини кўрсатади.

Психологик тестлар – шахснинг психологик хусусиятларини, унинг интеллектуал томонларини ўрганади ва аниқлайди.

Педагогик тестлар – таълим-тарбия жараёнида билимлар даражасини аниқлайди. Педагогикада қўлланадиган тестлар предмет тестлари деб аталади.

Предмет тестлари – ҳар бир предметдан ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш, умумлаштириш, системалаштириш, ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва баҳолаш мақсадларига қаратилиши мумкин.

Самарадорлик (кумулятивлик) – самарадорлик тест топшириқларининг борган сари мураккаблашиб боришини назарда тутади. Бу қатъий талаб эмас. Чунки, замонавий компьютер тест тизимида тингловчига навбатдаги тест топшириғи, аввалгисини қандай ечганига қараб берилади. Яъни аввалги саволга нотўғри жавобдан сўнг, унга нисбатан мураккаб бўлмаган тест топшириқлари берилиши мумкин.

Социологик тестлар – шахснинг ижтимоий томонларини ўрганади ва аниқлайди

Тестология - фанлараро фан бўлиб, илмий асосланган ва сифатли диагностик ўлчов методикаси ҳақидаги фан саналади.

Топшириқлар тизими дейилганды, муайян мавзуу, боб, бўлим ёки курс мазмунини ўзида мужассамлаштирган ва тизим ҳосил қилувчи хусусиятга эга бўлган ўқитувчи томонидан танланган топшириқлар мажмуаси тушунилади.

Тест топшириқларининг ўзига хос шакли оддий савол-жавобдан фарқ қилиб, тест топшириғи саволлари ва жавоблари қисқа ва лўнда бўлиши билан изоҳланади.

Тест топшириқларининг ўсиб борувчи қийинлик даражалари тизим шаклида мужассамлаштирилган топшириқда дастлабки тестлар репродуктив, продуктив, кейингилари қисма-изланишли ва ижодий (креатив) бўлиши назарда тутилади.

Тил равонлиги, аниқлиги ва бир маънолилиги – тест топшириқларида кўп маънолилик ва ноаниқликка йўл қўйиб бўлмайди. АҚСҲда тест топшириқларини тузувчилар гурухига муайян бир ўқув фани бўйича тажрибали педагог ва рухшуносдан ташқари адабий муҳаррир ҳам киритилиши анъанага айланган.

Тўғри жавобда қўшимча белгиларнинг мавжуд бўлмаслиги – тест тузишда тажрибасиз киши тушунарли бўлсин, деган мақсадда тўғри жавобни бошқа жавобларга нисбатан кенгроқ ва батафсилроқ баён қиласди. Тингловчилар бу фарқни тез англаб оладилар ва жавобни ана шу белгига қараб аниқлашади. Бунга асло ёъл қўйиб бўлмайди.

Үқислик ва уйғунлик – тестдаги топшириқларнинг умумий сони мавзуу ва қисмларга нисбатан мувофиқ тақсимланиши аҳамиятли. Бу талаб тест режасини ишлаб чиқишида амалга оширилиши лозим.

Ўқув мақсадига мувофиқлиги – тест топшириқларининг мазмуни аниқлаштирилган (идентификацияланган) ўқув мақсадлариiga мувофиқ бўлиши лозим. Ўқув мақсадлари мажмуи иерархик тузилишига эга. Шунинг учун нисбатан яқин мақсадни амалга оширмай туриб, умумий (нисбатан олис) мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳар бир тест саволи маълум бир ўқув мақсадининг рўёбга чиқишини таъминлаши зарур.

Ўзлаштириш даражасига кўра табақаланганлиги – ўқув материалининг маълум бир таркибий қисмига оид ўзлаштириш даражаси турлича (билиш, эслаб қолганини тасвирлаш, самарадор билимлар ва ижодий фикрлаш) бўлган тест топшириқларини тузиш лозим. Бу талаб ҳам тест режасини ишлаб чиқишида амалга оширилиши лозим.

ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР**1-МАВЗУ БҮЙИЧА**

1-илова

Тестолог – бу

Тестологиянинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи мутахассис.

Тестология – бу

Шахснинг турли хил хусусиятларини маҳсус ишлаб чиқилган тестлар ва уларни талқин қилиш усуслари ёрдамида баҳолаш имкониятларини ўрганувчи фан бўлиб, тестолог тестологиянинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи мутахассисdir.

Тестология курсининг вазифалари

Тингловчилар томонидан ягона давлат имтиҳонининг аҳамиятини тушунишга ёрдам беришдан; тингловчиларда таълим ютуқларини баҳолашнинг замонавий технологиялари ҳақида, синовларни ўтказиш жараёнини ва очик турдаги топшириқларга битирувчиларнинг берган жавобларини текшириш ва баҳолашни белгиловчи меъёрий хужжатлар мазмуни ҳақида асосий назарий-услубий билимлар тизимини шаклланишига кўмаклашишдан

Очиқ турдаги топшириқларга битирувчиларнинг берган жавобларини текшириш ва баҳолашни белгиловчи кўрсатмалар билан ишлаш; очик турдаги топшириқларга битирувчиларнинг берган жавобларини текшириш ва холис баҳолаш; минтақавий предмет комиссиялари экспертларини мустақил ташкил этиш ва тайёрлаш бўйича кўникмаларини шаклланишига кўмаклашишдан иборат

Фанлардан тузиладиган назорат материалларининг тузилиши ва мазмuni, ҳар хил турдаги (жавобни танлаш, қисқа жавобли, очик турдаги) топшириқлардан мақсадли фойдаланиш, уларни ишлаб чиқиш тамойиллари ва усуллари тўғрисида тушунчаларининг шаклланишига кўмаклашишдан

2-МАВЗУ БҮЙИЧА

3-илова

Тестлар қуидаги қисмларга бўлиниади**Психологик тестлар**

— шахснинг
психологик
хусусиятларини, унинг
интеллектуал
томонларини ўрганади
ва аниқлайди

Педагогик тестлар

таълим-тарбия
жараёнида билимлар
даражасини аниқлайди.
Педагогикада
кўлланадиган тестлар
предмет тестлари деб
аталади

Социологик тестлар

— шахснинг ижтимоий
томонларини ўрганади
ва аниқлайди. Бу
ердакўпроқ педагогик
тестлар ҳақида тўхталиб
ўтишга тўғри келади

4-илова

**Тест топшириқларини тузишда қуидаги
принципларига амал қилинади.**

1. Илмийлик;
2. Изчиллик;
3. Ихчамлик ва аниқлик;
4. Формал эмаслик;
5. Мантиқий кетма-кетлик;
6. Системалик;
7. Умумийлик ва хусусийлик;
8. Оддийлик ёки мураккаблик;
9. Кўргазмалик;
10. Назария билан амалиётнинг боғлиқлиги;
11. Тафаккурни ривожлантириш;
12. Ижодийлик;
13. Мустақиллик ва онглилик;
14. Табақалаштириш, яъни ўқувчиларнинг индивидуал
хусусиятларини ҳисобга олиш;
15. Тарбиявийлик;
16. Ўқув дастурига мослик;
17. Вақт жиҳатдан объективлик;
18. Қўллашга мумкинлик.

Тест нормалари


Тестларнинг мазмуни ва
кўрсаткич нормалари

Ёш нормалари

Гурухий нормалар

Нисбий норма

“Балиқ скелети” техникаси асосида “ Нима учун ҳозирги кунда тест методи кенг қўлланилмоқда?” саволига жавоб берилади. Ушбу технология катта муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ғоявий оқим ва ҳаракатларнинг тури ёзилса, пастки қисмида эса уларнинг моҳияти ҳақидаги далиллар ёзилади.



З-МАВЗУ БҮЙИЧА

7-илова

Ёпиқ типдаги тест топшириқлари мазмуні ва шақлиға қўйиладиган умумий ва асосий талаблар

- **Ҳар бир тест топшириғи тегишли таълим тури бўйича ДТС ва ўқув дастури асосида тузилиши шарт.**
- **Тест топшириклари берилган структурага кўра эҳтиёж асосида тузилиши ва ҳар бир тест топшириғининг қийинчилик даражаси кўрсатилиши лозим.**
- **Тест топшириғи илмий асосланган маълумотлар асосида тузилиши зарур.**

-
- **Тест топшириғи умумий қабул қилинган терминлар асосида тузилиб, унда эскирган, кам ишлаатиладиган хамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, белгилар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар бўлмаслиги керак.**
 - **Ҳар бир тест топшириғи бирор-бир ягона мақсадни къза тутган ҳолда тузилиши лозим.**
 - **Тест топшириғи қийинчилик даражаси асосида тузилиши ва ҳар бир топшириқнинг қийинлик даражаси топшириқ паспортида кўрсатилиши керак.**

- Тест топшириғининг саволи аник, лўнда, қисқа ифодаланган бўлиши, унда зарурӣ маълумотлар келтирилиши, кераксиз, ортиқча маълумотлар ишлатилмаслиги, шунингдек, савол икки хил тушинилмаслиги керак.
- Тест топшириғи саволида тўғри жавобни топишга ёрдам берувчи сўз ва иборалар ишлатилмаслиги лозим.
- Тест топшириғининг тўртта жавоби бўлиб, улардан фақат биттаси мутлақ тўғри бўлиши керак.

- Тўғри жавоблар ҳам, нотўғри жавоблар ҳам битта мавзу доирасида бўлишишарт ва улар шакл жиҳатидан ҳам бир-бирига яқин бўлиши, тўғри жавоб шаклан ажralиб турмаслиги керак.
- Тестнинг муқобил жавоб вариантларида сўзларни кераксиз тақорроламаслик, шунингдек, тушунарли, аник ва қисқа бўлиши талаб этилади.
- Тест топшириғининг муқобил жавоб вариантларини тузишида тўғри жавобни топишга ёрдам берадиган сўз ва ибоалар ишлатилмаслиги зарур.
- Тест топшириғининг нотўғри жавоблари асосли равища танланиши лозим.

-
- Тест топшириғининг муқобил жавоблари орасида “жавобларнинг барчаси түғри”, “жавобларнинг барчаси нотұғри”, “түғри жавоб йўқ”, “түғри жавоб А ва B”, “B ва D”, каби иборалар ишлатылмаслиги лозим.
 - Тест топшириқлари ёзилган файлнинг номи намунавий ўқув режага мувофиқ фаннинг түлиқ номи билан номланиши шарт. Масалан, “Информатика ва ахборот технологиялари” ёки “Умумий психология” каби. Файлни номлашда қисқартмалар киритиш мүмкін эмас.
 - Тест топшириқлари 2003 Microsoft Word дастурида, “Times New Roman”да, 14 шрифтта ёзилиши лозим.

-
- Тест материаларини Microsoft Word дастурига киритишида клавиатурадаги белгилардан фойдаланиш талаб этилади. Математик ифодалар, физик ва кимёвий формулалар, грек алифбосидаги харфлар, клавиатурада киритиши имкони мавжуд бўлмаган турли белгилар, юқори даража ва қуий индекслар “Формула редактори” орқали киритилиши шарт. “Топшириқлар панели”даги ва “Символ”даги белгилардан фойдаланиш маън этилади.
 - Тест топшириқларини тайёрлашда чизма ва расмлардан фойдаланиш мүмкін эмас.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т.: 1997.
6. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т.: 1997.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

1. "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. "Халқ сўзи", 2012 йил 28 май.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий хужжатлари

10. Автомотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасалари ўқувчиларининг билимини баҳолаш учун тест саволларини тузиш ва тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом (АВ томонидан 30.09.2011 й. 2271-сон билан рўйхатга олинган 29.07.2011 й. Ички ишлар вазирлигининг 7-сон, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 316-сон, Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 89-01-2090-сон қарори билан тасдиқланган).

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқаруви академияси магистратурасига қабул қилишда тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (АВ томонидан 01.08.2012 й. 2384-сон билан рўйхатга олинган Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 30.07.2012 й. 01-172-сон буйруғи билан тасдиқланган).

12. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига тингловчиларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (АВ томонидан 08.07.2011 й. 2242-сон билан рўйхатга олинган Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази директорининг 06.07.2011 й. 01-222/1-сон буйруғи билан тасдиқланган).

13. 1998/99 ўқув йилида ЎзР Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида. ЎзР ВМ 25.05.1998 й. 228-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тест маркази ташкил этиш тўғрисида” ги 258-сонли қарори

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 293-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сонли “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги қарори;

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 11 мартағи “Давлат тест маркази таркибида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестатсияси бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 109-сонли қарори;

18. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг 2004-2005 ўкув или бўйича рейтинг натижалари., ЎзР ВМ ҳузуридаги Давлат тест маркази, Тошкент, 2005 й.

IV.Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
3. Каримов.И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - 438 бет.

V. Дарслклар ва ўкув қўлланмалар

8. Аванесов В.С. Композиция тестовых заданий. Москва, 2002.
9. Временные государственные требования к минимуму содержания профессиональной образовательной программы и уровню подготовки лиц при получении дополнительной квалификации "Тестолог (специалист в области педагогических измерений)". Министерство образования Российской Федерации. Москва, 2000. 14 стр.
10. Ковалева Г.С. Национальный фонд подготовки кадров, Программа развития и совершенствования государственных образовательных стандартов и тестирования (Первый этап). Итоговый отчет. Зарубежный опыт построения и актуальные проблемы развития образовательного тестирования. Москва, 2001. 26 стр.

11. Крисилов В.А. Опыт прведения рейтингов украинских и российских вузов /Крисилов В.А., М.Л. Слуцкая // Ранжирование высших учебных заведений: состояние, тенденции, проблемы. Коллективная монография / Под. Ред. В.Н. Бержанского. – Симферополь: ДИАЙПИ, 2007. - С.29-41.
12. Михайлычев Е.А., Норов Ш.К. Дидактические тесты в системе много этапного контроля знаний студентов Бухара. Бух.ТИПЛП.1995.-36 с.
13. Тестология бўйича русча-ўзбекча, ўзбекча-русча изоҳли терминологик луғат-минимум/ Техника фанлари доктори Б.М.Исмаиловнинг умумий таҳрири остида. Тошкент: Давлат тест маркази, 2005. Рус ва ўзб. тил. – 136 бет.
14. Фарберман Б.Л., Асомов Д.К. Педагогик тестлар ва тингловчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг усули. -Т.: РЎУИ, 1995. - 102 б.

VI. Интернет сайatlари

6. <http://www.gov.uz>
7. <http://www.lugat.uz>
8. <http://www.ziyonet.uz>
9. <http://www.edu.uz>
10. <http://www.dtm.uz>